
Хотин-қизлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш бўйича ўқув семинари ўтказилди

Бугун Тошлок тумани марказий кутубхонасининг фаоллар залида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан “Хотин-қизлар ҳуқуқлар ва имкониятларини химоя қилиш, гендер зўравонликка нисбатан идоралараро ҳамкорликни ўрнатиш ва жавоб қайтариш механизми” мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Ўқув семинарида тумун халқ таълими бўлими амалиётчи психологилари ва маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг оила, хотин-қизлар билан ишлаш , ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этидилар.

Семинар давомида “Қалб Нури” маркази директори, Фарғона вилояти зўравонлик курбонларини реабилитация қилиш ва уларни мослашиш маркази раҳбари Д.Тўхтасинова иштирок этиб, бу соҳада олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берди. Шунингдек иштирокчиларга иш олиб бориш услублари ҳақида кўрсатмалар берилди ва уларни ҳам қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Тошлок тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-04-22 18:00:54